

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

“ТОШКЕНТ” ДЕЯ АТАЛУР.....

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

“ТОШКЕНТ” ДЕЯ АТАЛУР.....

Методик-библиографик қўлланма

Тошкент – 2008

78.342

T 71

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи	У.Тешабоева
Муҳаррир	Ҳ. Маматраимова
Масъул муҳаррир	О.Қиличбоев
Матн терувчи	З.Жалилова

“Тошкент” дея аталур....: Метод.-библиогр. кўлл.
/Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси;
Тузувчи У.Тешабоева; Муҳаррир Ҳ.Маматраимова;
Масъул муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном.
Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2008.-44 б.

КБК 78.342+65.9 (5 Ў)

Ушбу методик-библиографик кўлланмада бой тарихга эга, келажак бугундан порлоқ Шарқ машъали аталган гўзал Тошкентга бағишланган маълумотлар ҳамда кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми берилган.

Кўлланмада Тошкентнинг ўтмиши, бугуни ва эртаси ҳақида сўз боради.

**© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008 йил.**

Сўз боши

Жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда “Шарқ дарвозаси” деб ном олган, халқимизнинг ғурур-ифтихори бўлмиш азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг миллий давлатчилигимиз тарихида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 2007 йил 3 ноябрдаги 34 сессиясида қадимдан лим-фан ва маданиятнинг йирик маркази, тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб келаётган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш ҳақидаги қарори чиқди.

“Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорида байрам тантаналарини 2009 йил май ойида нишонлаш ҳақида сўз боради. Унда Тошкент шаҳридаги тарихий обидалар, ёдгорлик ва қадамжоларни таъмирлаш, ободонлаштириш, янги замонавий объектлар қуриш, шунингдек пойтахтда 2009 йилнинг март ойида “Тошкентнинг жаўон цивилизацияси тараққиётида тутган ўрни” мавзусида халқаро илмий конференцияни ташкил этиш ҳақида тафсиялар берилган.

Қадимда Чоч, Шош, Шошкент, Бинкент деб аталган ҳозирги Тошкент ўрнида 2 минг йилдан илгари обод шаҳар бўлганлигини тарихий маълумотлар тасдиқлайди.

Ўша даврдан то XIX асрнинг охири XX асрнинг 20-йилларига қадар Тошкент феодал ҳокимликларнинг сиёсий маркази, Қўқон хонлиги қарамоғида, Туркистон генерал-губернаторлигининг сиёсий-маъмурий маркази, XX аср бошларида Ўрта Осиёда инқилобий ҳаракатларнинг маркази бўлишдек ҳаётий воқеаларни бошидан кечириб, неча бор вайрон қилиниб, қайта-қайта қаддини ростлаб, яна ривожланиш сари интилган.

XX асрнинг 1- чорагидан кейингина Тошкент муттасил тинч, осуда, яратувчанлик ҳаёт кечира бошлаган. 1930 йилда Тошкент Ўзбекистон пойтахтига айлантирилгач эса у ҳақиқий марказга айлана борди. Айниқса 1966 йилги Тошкент zilzilасида вайрон бўлган Тошкент қайта тиклана бошлангандан кейин Тошкент

жамоли янада чирой оча борди. Ҳаттоки XX аср охирларига келиб Тошкент «Шарқ дарвозаси» номини ҳам олди.

Тошкент 2200 йиллик тарихга эга. Бу давр ичида у оддий бир манзилгоҳдан жаҳондаги йирик шаҳарлардан бири, Ўзбекистон Республикасининг пойтахтигача бўлган йўлни босиб ўтди. Ҳозирда Тошкентда кўплаб йирик халқаро учрашув ва симпозиумлар, жаҳон кинофестиваллари, турли илмий анжуманлар, иқтисодий ва сиёсий, илмий ва маданий соҳаларда учрашувлар ўтказилади.

Шунингдек Тошкентда жаҳоннинг кўпгина давлатлари элчихоналари ва ваколатхоналари, кўплаб халқаро ташкилотлар, қатор кўшма корхоналар фаолият юритмоқдалар.

Кўлланма ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказларида Тошкент, унинг ўчмас тарихи, муаззам миноралари, ўлмас обидалари ҳақидаги адабиётларни тарғиб қилиш ва Тошкент шаҳрига бағишланган тадбирларни: китоб-тақдироти, конференция, савол-жавоб кечалари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, мавзули ва мунозара кечалари, учрашув кечаси, китоб кўргазмаси кабиларни ўтказишда мутахассисларга ёрдам бериш мақсадида тузилди.

Кўлланмадан кенг китобхонлар оммаси фойдаланишлари мумкин.

Тошкент – шарқ тарихининг дурдонаси

Шаҳарлар тақдири ҳам одамлар тақдирига ўхшайди: бахтли-бахтсиз, омади келган-омади келмаган. Уларнинг ҳам бахтиёр дамлари, ғуссали дақиқалари бор. Ўрта Осиёда бир вақтлар обод ва кўркем бўлган Ўттор, Кот, Морв каби шаҳарларнинг бугунги кунда ўрнигина маълум. Боласоғуннинг эса ўрни ҳам маълум эмас. Кўҳна Урганч (Гурганж) Чингиз ясмоғидан кейин қаддини тиклай олмади. Амударёнинг юқорида янги Урганч қад кўтарди. Самарқанд, Бухоро, Хива каби ўлка тарихининг чорраҳаларида турган қадим шаҳарларимиз янги давроннинг ҳам гувоҳи бўлдилар ва ўзларининг янги ҳаётларини бошладилар. Устоз Шайхзода айтганидек, “шаҳарлар боқийдир, умр ўткинчи”.

Ўлкамизнинг тарих ва маданиятида Шарку Ғарбга машҳур шаҳарларимиз қаторида кўҳна Тошкентнинг ўрни бетакрор. Абу Райҳон Беруний “Осорул боқия...” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) асарида жаҳон тарихининг энг муҳим саналарини қиёсий аниқлашда Эрон, Миср, Рум, Хитой, Ҳинд, Славян қабилар қаторида “тудун” лақаби билан юритилган “Шош подшолари”га ҳам муурожаат қилган эди.

Дунёда шаҳарлар кўп. Тошкентдан каттароқ, тарихи бойроқ, майдони кенгроқ, доврўғи баландроқ шаҳарлар бор! Лекин, барибир, улар ўртасида Тошкентнинг ўрни ажралиб туради. Географик, табиий ва иқтисодий жиҳатдан қулай ва бой шароитдаги воҳанинг марказида жойлашган Тошкент шаҳри ўтроқ деҳқончилик ва кўчманчи чорвачилик районларининг ўртасида савдо-сотикнинг маркази сифатида гуркираб ривож топди. Айниқса, унинг буюк ипак йўлида жойлашганлиги Европани Осиё билан, хусусан Ҳиндистон ва Хитой билан боғларди. Бироқ унинг бой табиий шароити тарихда ўз халқининг бошига озмунча кулфатлар келтирмади. Октепа ва Мингўриктепада олиб борилган археологик қазилмалар VI-VIII асрларда турклар ва араблар шаҳарни бутунлай вайронага айлантирганларини тасдиқлайди. IX асрда шаҳар ўрни Бўзсув канали этагига кўчди. IX-X асрларда Сомонийлар давлати, X-XII

асрларда Қорахонийлар ва Қорахитойлар давлати қўл остида бўлди. XIII аср бошида Хоразмшоҳ Чингизхон йўлига ғов солиш мақсадида Тошкентни забт этди ва шаҳарга бутунлай ўт қўйиб, уни харобага айлантди. Темурийлар даври – XIV асрда шаҳар яна тикланди. XV-XVI асрларда Тошкент Темурийлар ва мўғуллар ўртасида қўлдан-қўлга ўтиб турди. XVI аср бошида уни Шайбонийхон эгаллади. Худди шу даврда кўпгина йирик қурилишлар, жумладан, Барокхон ва Кўкалдош мадрасалари қурилди.

XVIII аср ўрталарида Тошкент тўрт даҳага – Себзор, Бешёғоч, Кўкча, Шайхонтоҳурга бўлинса-да, шаҳар нисбатан марказлашган қиёфага кирди. Бу даврда шаҳарнинг 12 дарвозаси (Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чиғатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч, Қўқон, Қашқар, Қўймак) тунда бир пайтда ёпилар ва тонгда бир пайтда очиларди. Тонггача шаҳарга ҳеч ким киритилмасди. Кейинчалик Шайхонтоҳур ҳокими Юнусхўжа тўрт даҳа ҳокимиятини ўз қўлига олди.

XIX асрда Тошкентни Қўқон хонлиги ўзига бўйсундиришга муваффақ бўлди ва бу ҳокимият чор Россиянинг Ўрта Осиёга қўшин тортиб келишига қадар давом этди.

Алғов-далғов қилган кунларни Тошкент бошидан кўп кечирди. Лекин Тошкентнинг қадди букилмади, боши эгилмади, у ҳеч кимга тобе бўлмади, ҳеч кимга тиз чўкмади. У баайни оловлар ичидан омон чиққан афсонавий қакнусдек яна қаддини мағрур кўтараверди.

1966 йил 26 апрель... Ўша тонготарда Тошкентнинг барча осма соатлари бир пайтда – соат 5 дан 22 минут 52 секунд ўтганда табиатнинг қалтис ҳазилидан тонг қотиб қолгандек тўхтаб турарди. Бироқ Тошкент ва тошкентликлар ҳайратдан бир зум ҳам қотиб қолишмади. Шаҳар ҳаётининг бирон-бир бўлаги, на зилзила маркази бўлган Қашқар маҳалласи, на ўша тунда меҳнат постида бўлган бирон киши саросимага тушди. Зилзила кетма-кет Тошкент ва тошкентликлар бардошини, иродасини синаб кўрди. Зилзила бора-бора тошкентликларнинг чойхонада айтиладиган латифасига айланиб қолди. Зилзила Тошкентни минг мартадан ортиқ тебратди-ю, бирон бир

тошкентликнинг иродасини буколгани йўқ! Аксинча, тоблади. Тошкент – дўстлик кучи мужассамлашган Дўстлик шаҳрига айланди.

Зилзила арафасидаги Тошкент билан бугунги Тошкентни қиёслаш қийин. Курилишдаги бурилиш нуқталарини шундай қиёслаш мумкин: чунончи, зилзилага қадар мавжуд энг баланд бино 9 қаватдан иборат бўлса, бугунги шаҳар биноларининг бўйи 23 қаватга етди. Шаҳар худудий жиҳатдан 15 баравар кенгайган бўлса, турар жойлар ҳажми бир неча бараварга ошди. Зилзиладан кейин тошкентликлар ҳеч иккиланмай ер қаърига дадил кириб бордилар – оқибатда Ўрта Осиёда илк бор метрополитен ишга тушди. Ҳозирда унинг 29 станцияси ишлаб турибди.

Тошкент Мустақил Ўзбекистоннинг пойтахти, бош шаҳри! Бир марта унинг ҳавосидан тўйиб нафас олган одам умрбод бу шаҳардан кўнгили узолмайди, уни яна ва яна кўргиси келаверади. Ота-боболаримиз бежиз айтишмаган - Тошкентнинг сувини бир марта татиган чумчуқ Маккатиллодан қайтиб келар экан. Мен бу гапларни шу шаҳарнинг фарзанди бўлганим учун, “Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига” деган гапга амал қилиб айтаётганим йўқ. Тошкент муборак шаҳар, унга дуо кетган, унинг боши тошдан ва оллоҳ бу шаҳарни меҳригиёлик қилиб яратган. Бугунги кунга келиб бу қутлуғ шаҳарнинг яна бир сифати, яна бир ноёб фазилати намоён бўлмоқда – шаҳримиз ҳар қанча ва қадимий бўлмасин, ҳали яшариш қобилиятини йўқотмаган экан. Унинг мустақиллик йилларидаги шижоатли одамларига бир эътибор берсангиз, ўн олти йил ичида унда пайдо бўлган янги кўчалар, янги майдонлар, шаҳарнинг турли бурчакларида қад кўтарган бири-биридан гўзал иморатларнинг, спорт иншоотларининг, ўқув юртларининг саноғига етмайсан киши. Майли, ҳаммасини эмас, лоақал Миллий театримизнинг ва Давлат консерваториясининг янги биносини бир эсланг. Буларнинг ҳаммаси Тошкентимизда сўнгги ўн олти йил - ҳа, ўн олти йил ичида қурилди-я! Буларнинг барчаси мўъжиза эмасми? Беихтиёр улуғ бобомиз соҳибқирон Амир Темурнинг “Бизнинг

ким эканимизни билмоқчи бўлсанг, биз қурган иморатга боқ!” деган гапларини такрорлагинг келади.

Шаҳарларнинг буюклиги фақат тарихи-ю бинолари билан белгиланмайди. Уларни улуғ қиладиган нарса, биринчи навбатда, шу шаҳарда яшайдиган одамлар, уларнинг фидойилиги, меҳнати, ижодкорлиги ва энг муҳими – қалбининг меҳрга лиммо-лим тўлиқлиги.

Келажаги буюк бу юртнинг ўтмиши ҳам, бугуни ҳам буюқдир. Башариятга улуғ алломаларни тарбиялаб берган юртнинг эли эса инсоният ичра суюқлидир. 2007 йил Ислом конференцияси ташкилоти (ОИК) таркибидаги муассасалардан бири – таълим, фан ва маданият бўйича халқаро ислом ташкилоти – ISESCO тарафидан Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти деб эътироф этилиши бежиз эмас, албатта. Зеро, бу юрт Яратганнинг назари тушган муборак замин. Бу эл Меҳрибоннинг меҳри билан йўғрилган элдир. Ким бу шаҳри азимга нима мақсадда келган бўлса, ўшани топган: оч келса-тўйган ва уни “Тошкент – нон шаҳри” деб атаган.

Бош шаҳримиз – пойтахтимиз Тошкентга берилган бу юксак унвон фозилу олим аждодларимиз чеккан заҳматларнинг эътирофи ва ўша аждодларнинг муносиб ворислари-ҳозирги улуғларимизнинг ҳақимона тадбирларининг самарасидир. Зотан, Аллоҳ сийлаганни бандаси ҳам сийлайди: элимизни Аллоҳ сийлаганининг ёрқин далили шуки, унга Яратганнинг илоҳий бир каромати шуки, илоҳий бир неъмат – Қуръони каримнинг асл нусхаларидан бири – Мусҳафи Усманийнинг Тошкентда эканидир. Ҳар нуқтаси минг “Қўҳинур”дан қиммат бундай бебаҳо гавҳарни, ҳар нуқтаси минг ҳикматдан буюк бундай мўъжизани авайлаб асрашни бизга насиб этганидир. Байтуллоҳ-Маккаи мукаррамада, пайғамбар саллоллоҳу алайҳи вассалламнинг марқади шарифлари – Мадинаи мунавварада бўлса, Каломуллоҳнинг асли – Ислом маданиятининг бош кенти – Тошкентда!

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов айтганларидек, ҳар бир ватандошимизга дейликки:

Тарихларга бўлсин муқайяд:
Шаҳри Тошкент аталган боғда,
Кўхна Шарқдан аҳли бадиат
Анжумани шавқ тузган чоғда –
Чун сабои жаҳоний баҳор
“Тошкент руҳи” бўлди барқарор.
“Тошкент руҳи” – деб айтар башар,
“Тошкент руҳи” дунёда яшар.

Эл ёдида, шаҳар ёдида,
Баҳор, сана олтмиш олтида,
Тонг уйқуси ичра ноғиҳон,
Қалқди замин – қалқди беомон,
Бошимизга келган фалокат,
Ногоҳ бало, дахшатли офат,
Такрор бизни қилди имтиҳон
“Тошкент руҳи” бўлди намоён.

“Тошкент руҳи” – бу Улуғ ҳашар,
“Тошкент руҳи” дунёда яшар.
Шаҳрим тинчлик, дўстлик тимсоли,
Дўстлик бунда ғараздан ҳоли,
Бунда ҳоким бирлик, адолат,
Бунда синган сайфи адоват
Шаҳрим аро Ҳинду Покистон
Қўлни қўлга берган-алъамон.

Одил юртим шуқуҳи ҳаққи,
Шастрининг пок руҳи ҳаққи –
“Тошкент руҳи” мангу курашар,
“Тошкент руҳи” дунёда яшар.
Бунда ҳар кун дўстлар жамул-жам,
Дастурхоннинг ўзи бир олам
Турк арабга айтар: “Сен гапир!
Сўзлар Дамашқ сўзлар Сингапур:
“Тошкент руҳи” устивор бўлсин!

Ҳар юракда шу руҳ бор бўлсин,
Очиқ бўлсин олтин дарбозанг,
Кенг жаҳонни тутсин овозанг!”

Шарқ машъали аталган шаҳар –
“Тошкент руҳи” абадий яшар!

Олиб борувчи: Бугунги тадбиримиз Тошкентга бағишланади. Унга 2200 йил тўлди. У эса ёш, навқирон, гўзал ва бетакрор.

(Олиб борувчи навбат билан ўйин столларига командаларни таклиф этади. Ҳар бир команда ўзининг номига эга; танлов шартларини эълон қилади; биринчи бўлиб фишкани қўтарган команда жавоб бериши ҳуқуқига эга бўлади. Командаларнинг жавоблари навбатма-навбат тингланади. Олиб борувчи тўғри жавобни эшиттиради. Ҳайъат аъзолари беллашув натижаларини эълон қилади).

I. Танлов.

1. Қайси қўлёзма асарлар орқали шаҳарнинг Тошкент номи билан атала бошлагани ҳақидаги маълумотлар бизгача етиб келган?

(X асрда Бинкент ёки Шошкент қаторида Тошкент номи ҳам қўлланила бошлаган ва бундай номланиш илк марта XI асрнинг буюк қомусий олими Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон” асарида учрайди. У Тошкент номининг келиб чиқиши ҳақида сўз юритиб, “тош” сўзи туркча бўлиб “шош” кўринишини олган. Тошкент – “тошли қишлоқ демақдир”, - деб изоҳлайди. “Қонуни масъурий” китобида эса Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарлари қаторида Шош вилояти ва Тошкент шаҳрини бешинчи иқлимига жойлаштиради ва ёзади: “Бинкент – бу Шошнинг пойтахтидур, у турк тилида “Тошкент” демақдир. “Буюк ал Ҳижор жуғрофий” асарида эса у Тош минора деб кўрсатилган. Маҳмуд Қошғарий ҳам XI асрда “Шош” ва “Тошканд” сўзларини қўллайди. Бундай маълумотларни кўплаб олимлар тасдиқлайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома”да Тошкент номига тўхталиб, “... асарларда Тошкент номини Шош, баъзан Чоч ёзадилар” деб қайд этадилар. Бироқ XVI аср охири ва XVII аср бошларида Тошкент топоними шуҳрат топиб, унинг қадимий Чоч, Шош ва Бинкент номлари аста-секин муомаладан тушиб қолади. XVII асрда яшаган тарихчи олим Маҳмуд ибн Вали шундай ёзади: “Шош – Сайхун (Сирдарё)нинг у томонга

жойлашган шаҳар ва Туркистон (вилоят)га қарайди... Уни Чоч атайдилар. Бироқ ҳозирги вақтда у Тошкент номи билан машҳурдир”.

2. Тошкентнинг қадимий номларини биласизми?

(Ёзма манбаларда келтирилишича, Тошкентнинг қадимий номи “Чоч” бўлган. Тошкент араблар тасарруфига ўтгач, араб алифбосида “ч” ҳарфининг йўқлиги боис арабий асарларда “Шош” деб юритилган. Илк ўрта асрлар у “Чоч”, “Шош”, “Шошкент”, “Мадинайи аш-Шош”, “Бинкент” ва “Таркан” деб номланган).

3. Шоштепада қадимги шаҳар белгилари қачон пайдо бўлган?

(Милoddан аввалги II-I асрларда Жўн ариғи бўйидаги Шоштепада қадимги шаҳар белгилари пайдо бўла бошлаган. Қишлоқ харобалари устида атрофи қалин айланма девор билан ўраб олинган доира шаклидаги қалъа (қўрғон) қад кўтарган. Шоштепадаги археологик обидалар: шаҳарнинг мустаҳкам мудофаа девори, хашаматли меъморий мажмуаси, ҳунармандчилик буюмлари, хат-савод ва савдодан далолат берувчи топилмалар бу жой шаҳар қиёфасини олаётганлигини кўрсатарди. Ғарбда Византиядан тортиб, Шарқда Хитойгача бўлган яқин ва узоқ мамлакатлардан топилган тангалар шаҳар қизғин савдо маркази бўлганлигини кўрсатади. Чоч ҳокими ҳам ўз тангаларини зарб қилдирган).

4. Нечанчи асрда ва кимлар томонидан Тошкент босиб олинган, шаҳар кимларнинг ихтиёрига ўтган?

(VIII асрнинг бошларида араблар Чочни фатҳ этган. IX-X асрларда Чоч Сомонийларга тобе бўлган, X аср охири – XII аср ўрталарида Чоч Қорахонийлар давлати таркибига кирган. 1220 йилда шаҳарни мўғуллар босиб олган. XIII-XIV асрнинг 1 ярмида Тошкент Чиғатой улуси таркибида бўлган. XIV асрнинг 1 ярми XV асрнинг 80 йилларигача Тошкент Амир Темур ва Темурийлар давлати таркибида бўлган. 1485 йилда Мўғулистон хони Юнусхон ихтиёрига ўтади ва 1503 йилда Тошкентни Шайбонийхон босиб олади ва бошқалар).

5. Нима учун Тошкент тарихида чор ҳокимлик даври дейилади?

(XIII аср ўрталарида шаҳар гарчи қўлдан-қўлга ўтиб турган бўлса-да, Тошкент 4 қисмга – Шайхонтоҳур, Себзор (Қафқол Шоший), Кўкча (Шайх Зайниддин), Бешёғоч (Зангиота) даҳаларига бўлиниб, уларнинг ҳар бирини мустақил ҳоким бошқарган. Тошкент тарихида бу давр чор (тўрт) ҳокимлик даври деб аталган).

6. Тошкент давлатини ким ташкил этган?

(1784 йилда Шайхонтоҳур даҳаси ҳокими Юнусхўжа қолган уч даҳа ҳокимлигини ҳам ўз тасарруфига олиб, шаҳардаги тарқоқликка чек қўйди ва мустақил Тошкент давлатини ташкил этди. Тошкент давлати гарчи ўрта Жуз султонлари, айниқса Қўқон хонлари тазйиқида бўлса-да, у қарийб 20 йил фаолият кўрсатди).

7. XX асрда Тошкент ҳудудидаги маҳалла ва мавзелар сонини биласизми?

(XX аср бошларида Тошкентда 280 га яқин маҳалла, 170 мавзе бўлгани аниқланган).

8. Шаҳар дарвозалари ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?

(XIX аср ўрталарида Тошкент қўрғони деворининг баландлиги 8 метрга етган. Шаҳар атрофидаги мавзелар билан боғланиш учун қўрғон деворида катта (дарвоза) ва кичикроқ (қафқа) эшиклар бўлган. Шаҳар дарвозаси номи шаҳар ташқариси ва ичидаги кўчаларнинг асосий йўналишига қараб ёки дала мавзелари номига қўйилган. Шаҳарнинг асосан 12 дарвозаси бўлган. Булар: Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чигатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч, Қўймас, Қўқон, Қашқар дарвозаларидир).

II. Танлов. “Тошлардаги тарих”.

Олиб борувчи: Тошкент ҳақида бирданига ҳамма нарсани сўзлаб бўлмайди. Ўтмиш ва бугунги кун унда елкама-елка, бир-бирини тўлдириб яшайди. Сизга тарқатилган конвертларда бир неча қисмларга бўлинган суратлар мажуд. Сиз 1 дақиқа ичида архитектура ёдгорлигининг умумий кўринишини йиғиб, унинг номини эслашингиз ва тарихини сўзлаб беришингиз керак.

Тарихий обиданинг умумий кўриниши эпидаскоп орқали кўрсатилади.

Тахминий вазифалар ва уларга жавоблар:

1-чи конверт: Кўкалдош мадрасаси.

(Шаҳар марказининг Чорсу майдонида жойлашган Кўкалдош мадрасасини Кулбобо Кўкалдош қурдирган (1551-1575). Мадраса (умумий ўлчами 62,7x44,9) бош тарзи жанубга қараган. Дарвозадан кираверишда чапда масжид, ўнгда дарсхона жойлашган. Масжид ва дарсхоналарнинг томи ўзаро кесишган раққлар устига ўрнатилган гумбазлардан иборат. Миёнасарой 7 гумбазли. Чорси ҳовлиси кенг, хужралар ва очиқ айвонлар билан ўралган. Ҳовлининг атрофидаги хужралар 38 та бўлиб, дарсхона ва масжид билан ўзаро боғланган. Мадраса дастлаб 3 қаватли бўлган. Меъморлар мадрасани безашда, асосан, бинонинг олд томонига эътибор беришган. Пештоқи билан бирга баландлиги 19,73 м бўлиб, сиркор парчин ва гириҳ нақшлар билан безатилган. Кўкалдош мадрасаси XVIII аср бошларида қаровсиз ҳолга келиб қолган ва қарвонсарой омбори сифатида фойдаланилган. 1886 ва 1946 йиллардаги zilзила оқибатида вайрон бўлган. 1998 йилдан бинонинг муҳандислик устуворлигини таъминлаш, ташқи ва ички тарзларини асл ҳолига келтириш ва атрофини ободонлаштириш ишлари олиб борилган. Кўкалдош мадрасаси 1991 йилдан эътиборан Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси тасарруфида).

2-чи конверт. Ҳазрати Имом зиёратгоҳи (Хастимом).

(Ҳазрати Имом зиёратгоҳи – Қафқол Шоший мақбараси Тошкентнинг энг кўҳна ва муқаддас жойларидан бири – Хастимом дейиладики, бу табаррук жой Қафқол Шошийга тааллуқлидир. Тошкент ва ундан шимолдаги юртларда имом даражасига, айниқса, Ҳазрати Имом диний мартабасига эриша олган Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қафқол аш-Шоший милодий 904 йилда Шошда туғилган. Қафқол Шоший ўз замонасининг етук олимларидан бири бўлиб, Туркистон мамлакатига унга тенг келадиган бўлмаган. Шунинг учун ҳам халқ уни Ҳазрати имом-Хастимом деб улуғлаган.

Хастимом мақбараси XVI аср меъморчилигининг маҳобатли ёдгорликларидан биридир. Дастлаб XVI асрнинг 30 йилларида иккита мақбара қурилган. Каттаси Тошкентнинг Шайбонийлар сулоласидан бўлган хони Суюнчхўжахон мақбараси деб тахмин қилинади. XVI асрнинг 50 йилларида бу бинолар Бароқхон мадрасаси меъморий ёдгорлиги таркибига қўшилган. Ўша даврда Ҳазрати Имом қабри устида мақбара бунёд этилган.

XVI асрнинг охирларида унинг қаршисида “қуш” услубда Қафқол Шошийнинг авлоди, Бобохўжа мақбараси қурилган. Бу бино 1939 йилда бузиб ташланган. XIX аср ўрталарида Бароқхон мадрасасининг рўпарасида Намозгоҳ (“Тиллашайх”), Мўйи Муборак мадрасаси, жоме масжид қурилган.

Хастимомда Ўзбекистон Мусулмонлар идораси жойлашган. Айни кунларда у ерда катта таъмирлаш ишлари кетмоқда).

3-чи конверт. Бароқхон мадрасаси.

(Бир неча даврда қурилган иморатлардан таркиб топган (XVI аср). Дастлаб бинонинг шарқий бурчагидаги мўъжаз мақбара (кимга мансублиги номаълум) қурилган. Сўнг 1530 йил Шайбонийлар сулоласининг Тошкентдаги вакили Суюнчхўжахон (1525 йил вафот этган) мақбараси қад кўтарган. Бу мақбара мадраса ҳовлиси мўридаги пештоқли хонақоҳдан иборат.

Мадрасанинг учинчи босқичини XVI аср ўрталарида Бароқхон қурдирган. У илгари қурилган икки мақбарани ҳам ўз ичига олган. Бароқхоннинг ҳақиқий исми Наврўз Аҳмадхон. Шайбонийлар сулоласидан бўлган хон, Абулхайрхоннинг набираси, Тошкент хони Суюнчхўжахоннинг кичик ўғли отасининг вафотидан кейин Тошкент (1525-1551) сўнгра, Мовароуннаҳр (1551-1556) хони. Бугунги кунда Бароқхон мадрасаси XVI аср Тошкент архитектура ёдгорликларининг энг чиройли ва сервикорларидан бири ҳисобланади).

III. Гидлар танлови. “Тошкентда адабий ҳаёт”.

Олиб борувчи: Тошкент – ўзбек халқининг кўп асрлик маданият ўчоғининг марказидир. Албатта, жаҳон маданият ривожланиш жараёнида Тошкентда фалсафа, адабиёт, тарих,

музыка, қонуншунослик фанлари билан бир қаторда тиббиёт, астрономия, математика каби аниқ фанлар борасида асарлар ёзилган. Бу ҳол дунёда юз берган таракқиётдан Тошкент ҳам четда қолмаганлигини, ўзга диёрларда пайдо бўлган маданий таракқиётлардан маълум даражада баҳраманд бўлиб турганлигини ва ўз навбатида Тошкентда ҳам турли асарлар ижод этилганлигини кўрсатади. Бундай таракқиёт жараёнларида Тошкент ҳам бошқа диёрлар билан бевосита ва билвосита алоқада бўлиб яшади. Бу ерда савдо-сотик, таълим-тарбия, маърифат маркази вужудга келди, натижада Тошкент ҳам бошқа шаҳарлар қатори умуминсоният кечирган жараённи бошидан кечирди. Ўз бағрида қанча-қанча илм-фан, маданият арбобларини етказиб берди.

Тошкент – Бадриддин Чочий, Аълоий Шоший, Банокатий, Ҳофиз Кўҳакий, Абубакр Шоший, Мирза Олим Тошкандий, Ёрмуҳаммад Тошкандий, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Зулфия, Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов ва бошқа кўплаб таниқли адиблар ватанидир.

Ҳозир ҳар бир команда вакиллариға Тошкентда машҳур адибларимизға ўрнатилган ёдгорликлар (ҳайкал) фотосуратлари берилади ва улар бу ёдгорлик кимға ўрнатилгани, ҳамда шу адиб ҳақида сўзлаб бериши керак.

Намуна учун савол ва жавоб:

Тошкентдаги Ғафур Ғуломға ўрнатилган ҳайкал.

(Ғафур Ғулом... Бу ном ўзбек халқининг каттадан-кичигиға яхши таниш. Шоир Тошкентда туғилиб ўсди, энг яхши асарларини шу ерда яратди. У қаламқаш дўстлари билан бўладиган хушчақчақ давраларни беҳад севарди. Анҳор бўйларида, хиёбонларда сайр этишни ёқтирар, мухлислари билан кўплаб учрашувларда бўлар эди. Тошкент замини, унинг одамлари шоирға янги асарлар учун мавзу ва илҳом берар, ижодий кашфиётларға ундарди. Ғафур Ғулом ўзининг сўнгги нафасиғача Тошкент ва тошкентликлар мавзуиға мурожаат қилиб келган. Қайси бир тошкентлик унутади дейсиз бу қуйма сатрларни:

Бебаҳо Тошкентимиз, наҳоринг кундуздан шан,
Меҳнатқаш, мунис, ўртоқ, кадрдон, дўст, эмукдош.

Қиши ёз, кузи-бахор, туни-кунидан равшан,
Лондон, Париж, Румога алишмайман кўҳна Шош.

“Тошкенти азим” деган иборада Ғафур Ғуломнинг муборак нафаслари келиб туради. Қалблари фахрга тўлиб шундай деб эъзозлардилар она шахрини.

Суратдаги ҳайкал шахримизнинг Чилонзор туманида жойлашган Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғига адибнинг 100 йиллигига бағишлаб ўрнатилган ёдгорликдир).

Олиб борувчи: Биз сиз билан Тошкентда адибларимиз хотирасига ўрнатилган ёдгорликлар хақида батафсил маълумотларга эга бўлдик. Шу билан бирга сиртдан Тошкентнинг кўча ва хиёбонлари бўйлаб саёҳат қилдик. Ҳозир командалар Тошкент шахрининг харитасини оладилар ва у ерда ёзилмаган кўча, хиёбонлар номини олиб борувчининг кўрсатмаси билан 1 дақиқа ичида ёзишлари лозим. Унда юзлаб кўча ва хиёбонлар сочилган. Барчаси ўз номига эга. Ўзбек ёзувчи ва шоирлари номи билан аталган 10 та кўча номини харитада тўлдилинг.

Намунавий жавоблар: Мирзо Улуғбек хиёбони, Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Муқимий, Фурқат, Ш.Рашидов, Саида Зуннунова, Нодирабегим, Увайсий ва бошқа кўчалар.

Олиб борувчи: Навбатдаги топшириқда Тошкентдаги адибларимиз, давлат арбоблари номи билан аталувчи метро бекатлари ва шахримиздаги маданият-истироҳат боғларининг номларини келтиринг.

(Ҳамид Олимжон, Ҳамза, Мирзо Улуғбек, Амир Темур, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом номидаги метро бекатлари, Ғафур Ғулом, Алишер Навоий, Абдулла Қодирий ва бошқа номлардаги маданият ва истироҳат боғлари).

IV. Танлов. Маҳалла – Ватаннинг табаррук остонаси

Олиб борувчи: Биламизки, шаҳар асосини XIX асрга қадар Кўкча, Себзор, Бешёғоч ва Шайхонтоҳур даҳалари ташкил қилган. Даҳаларнинг номлари эса шу ҳудудларга хос бўлган характерли томонларни билдиради. Ҳар бир даҳа кўплаб маҳаллалардан ташкил топган бўлиб, вақт ўтиши билан

уларнинг сони ҳам ўзгариб турган. Масалан, уларнинг сони XVIII асрда 150 та бўлган бўлса, XIX асрда 200 тага, XX аср бошларида эса 2540 тага етган.

Ҳар қайси маҳалланинг шаҳар атрофидаги ерлари мавзе деб аталган. Ҳар бир маҳалла ўзича уюшган ва ички ҳаёти мустақил бўлган. Ҳар қайси маҳалланинг ўз оқсоқоли, масжиди, шу маҳалла аҳолисининг тўпланиб мунозарали масалаларни бафуржа ҳал қиладиган чойхонаси ҳам бўлган. Ҳар бир маҳалланинг номланиши ўша жойларнинг характериға хос ва касби-корига мос бўлган.

Навбатдаги топшириқда командаларға даҳа номлари ёзилган конвертлар берилади. 3 дақиқа ичида шу даҳа ва унда жойлашган маҳаллалар ҳақида маълумотлар беришингиз керак.

Эпидаскоп орқали даҳаларнинг фотосурати намойиш этилади.

Топшириқ ва унга жавобларнинг намунавий кўриниши.

1-конверт. Бешёғоч даҳаси.

(Бешёғоч (туркий) – бешта дарахт маъносини англатади. У кўлёмза манбаларда Занги ота даҳаси деб ҳам юритилган.

Даҳада шаҳарнинг уч дарвозаси (Самарқанд, Камолон ва Бешёғоч), беш йирик мадраса, 75 масжид, 76 маҳалла ва 36 мавзеси бўлган. Энг қадимий шохкўчаси Бешёғоч (ҳозирда бу кўча деярли йўқ бўлиб кетган). Кўчадан 1903 йилда кўнка, 1913 йилда трамвай қатнай бошлаган. Асосий майдони Бешёғоч. Ҳозирги Алишер Навоий номидаги миллий боғ дарвозаси ўрнида Ҳалимтой мадрасаси, тахминан ҳозирги Республика ўқувчилар саройи атрофида халқ амалий санъатига ихтисослаштирилган Муҳаммадқаримхожи мадрасаси (1924 йилда бузиб юборилган) бўлган. Шунингдек Абулқосим, Кўкалдош ва Хўжа Аҳрор мадрасалари шу даҳага тегишли бўлган. Бешёғоч даҳасининг энг машҳур маҳаллалари: Камолон, Дархон, Дўмбиробод, Қозиробод, Қонқус, Сузукота, Эски Ўрда, Чақар, Чорсу ва бошқалар.

Камолон Бешёғоч даҳасидаги қадимий маҳаллалардан бири. Асли “Камонгарон”, яъни “Камонсозлар” кейинчалик оғзаки тилимизда Камолон талаффузида етиб келган. Тошкентда

ясалган ўқ-ёйлар бутун Шарқда “Камони Шоший” номи билан машхур бўлган. Бобур “Бобурнома” асарида “Тошкентда камон ва камон ўқи ясаيدиган усталарнинг шуҳрати бутун вилоятга тарқалган. Улар патли ва патсиз камон ўқларини моҳирона ясаганлар”, деб ёзган).

2-конверт. Кўкча даҳаси.

(Тарихий манбаларда Шайх Зайниддин даҳаси деб юритилади. Тадқиқотчилар фикрича, Кўкча номи Коҳча, яъни қалъача сўздан келиб чиққан. Бу атама VI-XI аср археология ёдгорлиги Кўкча ёдгорлиги Кўкча оқтепасига нисбатан айтилган. Даҳада уч дарвоза (Сағбон, Чиғатой ва Кайкобус ариғи бўйидаги Кўкча), 57 маҳалла, 47 мавзе, 60 масжид ва икки мадраса бўлган. Даҳанинг чорбоғлари Назарбек, Кўксарой ва Келес дарёси бўйларидаги жойларда бўлган. Даҳанинг эътиборли жойларидан бири Кўкча дарвозасидан ташқаридаги Орифон (билимлилар) қишлоғидаги мазоргоҳ ҳудудида 1214 йилда қурилган Шайх Зайниддин бобо мақбараси ҳисобланган. Кўкча даҳасининг машхур маҳаллалари: Чиғатой, Сағбон, Ҳофиз Куйкий, Оқилон, Лангар, Аллон, Сақчимон, Каллахона ва бошқалар.

Чиғатой маҳалласи. Амир Темур даврида шаҳар дарвозаларини қўриқлаш шу атрофда яшайдиган қабилалар масъуллигига топширилиб, таъмирлаб туриш ҳам улар зиммасига юклатилган. Жумладан, Чиғатой дарвозасини қўриқлаш, шу дарвоза яқинида яшайдиган Чиғатой улусига топширилган. Дарвоза, кўча, қабристон ва маҳалла номлари шундан).

3-конверт. Себзор даҳаси.

(Себзор (форсча – олмазор деган маънони билдиради). Даҳа ҳудудидан Кайкобус, Шаҳарарик қаби йирик ариқлар ўтганлиги сабабли, соя-салқин жойлар бўлган. XVI асрда бу ерларда шайбонийларнинг дала ҳовлилари жойлашган. Шайбонийлардан бўлган Суюнчхўжахон томонидан бу ерларда сўлим боғ барпо қилиниб, у Кайкобус чорбоғи деб аталган.

Даҳада уч мадраса, 78 масжид, 69 маҳалла ва 65 мавзе бўлган. Тошкентнинг уч дарвозаси (Лабзак, Тахтапул ва

Қорасарой) Себзор ҳудудида бўлган. Тарихий манбаларда Имом Қафғол аш-Шоший даҳаси деб ҳам юритилган. Даҳанинг энг эътиборли жойларидан бири Хастимом деб аталувчи Қафғол аш-Шоший мемориал комплекси ҳисобланади.

Эски Жўва маҳалласи Охунгузар, Жангоҳ, Пуштиҳаммом, Тинчоб маҳаллалари билан чегарадош бўлган, аҳолиси асосан савдо-сотик билан шуғулланган. Маҳалла ҳудудида карвонсарой, Бекларбеги мадрасаси, масжидлар, жумладан ўтган асрнинг ўрталарида Шайхонтохурга кўчирилган Хотинмасжид, Жўвахона ва бошқа баққолик дўконлари бўлган. Ҳозирги Эски Жўва маҳалласи ўрнидаги Эски Жўва майдони 1956-1991 йилларда Калинин майдони бўлган. Қадимда маҳалланинг бундай номланиши, шу жойда Жўвахона (Ҳарбий аслаҳалар сақланадиган жой, Жиба совут деган маънони билдиради) бўлган.

Себзор даҳасининг машҳур маҳаллалари: Қорасарой, Эски Жўва, Тахтапул, Тешикқофқа, Қумлоқ, Чувалачи, Жангоб ва бошқалар.

V. Танлов. Сардорлар беллашуви.

Олиб борувчи: Энди сардорларга топширик.

а) Тошкент ҳақида мақол ва маталларни айтиш.

Сардорлар галма-галдан айтишади.

Масалан: “Тошкент – нон шаҳри”, “Тошкент донини еган чумчуқ Маккадан қайтиб келади”, “Умрида ким келса бир бор бу ерга, қалбига экади Тошкентнинг меҳрин” ва бошқалар.

Олиб борувчи: Тошкент келинлардек гўзал. Тошкентда бир бўлган киши Тошкент қуёшини, тошкентликлар чехрасини, Тошкент паловини, Тошкентнинг ширмой нонларини, Тошкент меҳрини ва албатта Тошкент хиёбону ойдин кўчаларини унута олмайди, уларни соғиниб яшайди.

б) Уйга вазифа. “Ҳар куни юрадиган сеvimли кўчанг” номли оғзаки иншо.

Сардорлар ўз ҳикоясини айтиб беришади.

в) Тошкентга бағишланган шеърлар танлови. Шеърлардан парча ўқилади ва унинг муаллифи айтилади. Энг кўп парча ўқиган сардор ғолиб ҳисобланади.

Масалан,

Кафтимда бир ҳовуч Тошкент тупроғи,
Кўзларим ўнгида йиллар варағи.
Шунчалар қадимий бу кўҳна шаҳрим,
Тарихин аниқроқ айтиб берар ким?

Шуҳрат

Меҳринг офтобига: Тошкент, мен таслим,
Айлантириб кўйди сеҳр бошимни.
Икки минг йил яшаб, сенинг гул фаслинг,
Висол чоғи айтай мен қай ёшимни?

Гулчеҳра Нуруллаева

Тошкент шаҳри жуда улуғ, олий ҳиммат,
Оға-ини барин кўрсанг турли миллат,
Келин-қизга ярашади зебу-зийнат,
Ой-жамолин оширади қилиб хизмат,
Бахти борки дўстлаштирган меҳнат экан.

Ислом шоир

Шаҳар шон-шавкатига бирам ярашиб тушмиш,
Кошинлари ой билан ҳусн талашиб тушмиш,
Йўловчилар тилида мақтови ошиб тушмиш,
Фаровонлик белгиси,
Тошкент метроси.

Тўра Сулаймон

Тошкент кўчалари, таниш кўчалар,
Қишми – ёз, барибир кузми ё баҳор,
Сиз, менга ҳамиша қадрдон, дилдор,
Муҳаббат макони ойдин кечалар!...

Рамз Бобожон

Бу оламда мозийлардан қолмиш кентлар кўп,
Сонминг йиллар нарёғида топган таваллуд.
Довруқлари, шуҳратлари, савлатлари хўб,
Ҳарбу зарбда улар зафар топмиш беҳудуд.
Сен уларга бўйлашгудек қадимий Шошсан,
Манглайингда минг йилларинг излари қат-қат.

Охунжон Ҳакимов

Тошкент, ўтмишингдан сўйлайди мудом
Кумушранг тангалар, сопол идишлар,
Термилиб хайратга тушади одам,
Яна давом этар сир кидиришлар.

Ҳамроқул Ризо

Гоҳо оддий маскандай туюлади очик гап,
Ҳар қуни яшайвериб кўникиб қолган уйинг.
Тошкентим, ажиб кентсан, муҳташам қўрғонсан заб,
Минг-минглаб чақиримдан кўриниб турар бўйинг.
Неча-неча элларда дуч келдим турфа зотга,
“Тошкан” десанг югурар юзларига табассум.
Тошкент сўзи уйқашдир тинчлик билан ҳаётга,
Тошкент деса анланур меҳр билан тараҳхум.

Абдулла Орипов

г) Тошкент ҳақидаги қўшиқлар танлови. Сардорларга сўзлар ва сўз бирикмалар ёзилган конверт берилади. Команда улардан қўшиқнинг бир парчасини тузишлари ва қуйлаб беришлари керак. Қўшиқнинг номи, бастакори ва шеърнинг муаллифини айтган командага қўшимча очко берилади.

Намуна учун топширик ва унга жавоб:

1-чи пакет. Тошкент онамсан, кўзда ёш, меҳримни айтарман, эй дўстим, бағрингга қайтарман, Тошкент, эй дўстим, Ўзбекистон танҳо. Тошкентнинг тупроғини ўп, яккадир Тошкент.

“Яккадир Тошкент”, Усмон Қўчқор шеъри, Дилором Омонуллаева мусикаси.

Онамсан, меҳримни айтарман, Тошкент,
Кўзда ёш, бағрингга қайтарман, Тошкент.
Эй дўстим, Тошкентнинг тупроғини ўп,
Ўзбекистон танҳо, яккадир Тошкент.

2-чи пакет. Гўзал Тошкентсан, ошнолари меҳрига тўлган, Боболари Шош деган улкан, улкан Тошкентсан, Дўстлик шаҳри деб ном олган, гўзал Тошкентсан, Бахти қулган, гўзал Тошкентсан, жаҳон билган.

“Бахти кулган Тошкентсан”, Барот Исроил шеъри, Сайфи Жалил мусикаси.

Боболари Шош деган улкан, гўзал Тошкентсан,
Ошнолари меҳрига тўлган, гўзал Тошкентсан,
Дўстлик шаҳри деб ном олган, гўзал Тошкентсан,
Жаҳон билган, бахти кулган гўзал Тошкентсан.

3-чи пакет. Тошкент – қардош, элга пойтахт, Дўстлик, меҳр, саховатга тимсол у, Тошкент эди бир замонлар тош шаҳар, келажакдан муждадек бамисол у, Тошкент - энди бўлмиш мангу ёш шаҳар.

“Тошкент навоси”, Какимбек Самиқов шеъри, Искандар Ҳасанғалиев мусикаси.

Тошкент эди бир замонлар тош шаҳар,
Тошкент энди бўлмиш мангу ёш шаҳар.
Тошкент – қардош элга пойтахт, бош шаҳар,
Дўстлик, меҳр, саховатга тимсол у,
Келажакдан муждадек бамисол у.

Олиб борувчи:

Бир сайёҳ сингари дунёни кездим,
Пойтахтларни кўрдим доврўғи дoston,
Ватан, қайда бўлмай меҳрингни сездим,
Меҳринг тортавердим, жон Ўзбекистон.

Дунёнинг улуғвор шаҳарлари кўп,
Париждир, Қоҳира, Румо, Маккадир.
Эй дўстим, Тошкентнинг тупроғин ўп,
Ўзбекистон танҳо, Тошкент яккадир.

“Ялла” ансамблининг “Тошкентим онам” кўшиғи янграйди.

Ҳакамлар ҳайъати беллашув ғолибини эълон қилади.

Адабиётлар: Муҳаммадкаримов А. “Тошкентнома”,
Муҳаммадҷонов А. “Қадимги Тошкент”, Муниров Қ. “Тошкент тарихида баъзи сиймолар”, Ўзбекистон миллий энциклопедияси Т.8.

Тошкент қомуси саҳифаларида

Эсимда Анҳорнинг ёғоч кўприги,
Бу ерни азалдан дейишган Ўрда.

ЎРДА – Тошкентнинг IX-XIX асрлардаги ҳарбий-маъмурий маркази. X асрга оид тарихий манбаларга қараганда (Ибн Хавкал, Макдисий, Истахрий) Ўрда қўрғонида икки дарвоза бўлиб, ҳоким саройи ва қамокхона жойлашган. XV-XVII асрларда шаҳар майдони кенгая боргани сари Ўрда жанубга – Бешёғоч ва Қоратош томонларга кўчган.

XVII аср бошларида Бухоро хонининг ҳукуми оқибатида шаҳар ҳам, Ўрда ҳам анчагина вайрон бўлган. XVIII асрнинг 80-йилларидан Шайхонтоҳур даҳасининг ҳокими Юнусхўжа бутун шаҳарга ҳокимлик қила бошлагандан Тошкент атрофига қўшимча девор қурилди, ҳамда Шайхонтоҳурда кичкина Ўрда барпо этилди.

XIX асрда Қўқон хони Олимхон Тошкентни забт этиши чоғида Юнусхўжа ўрдаси бутунлай вайрон қилинди. Тошкентни ўз ҳокимиятининг шимоли-ғарбидаги таянч пунктга айлантирган Қўқон хони XIX асрнинг 30-йилларида Шайхонтоҳур даҳасида Анҳор каналининг чап қирғоғида (тахминан ҳозирги “Анҳор” кафесининг ўрнида) янги Ўрда бунёд эттиради. Ўрда қўрғони олдинига шаҳардан девор ва канал билан ажратилган эди. Унда сарой, аскарлар учун тураржой, қурол-аслаҳа омбори, маъмурий бинолар қурилганди. Кейинчалик Ўрда янги девор қурилиши натижасида шаҳар ичида қолади. Кейинчалик Ўрданинг ҳарбий-маъмурий аҳамияти йўқолади ва у XIX асрнинг охирида бузиб ташланади.

ТОШКЕНТ КУРАНТИ – Тошкентдаги тарихий меъморий ёдгорлик. 2-жаҳон урушида қозонилган ғалаба шарафига шаҳар марказида қурилган (1947 йил, меъмори А.Мухамедшин; беағида Уста Ширин қатнашган). Минорасига ўрнатилган соатни А.Айзенштейн, В.Солихов, А.Маликов, А.Хидлан, Г.Стрельцовлардан иборат соатсозлар бригадаси 4 циферблатли қилиб Тошкент куранти минорасига ўрнатишган. 1966 йилги

зилзила натижасида соат бузилган, зудлик билан таъмирланиб, ишга туширилган. Тошкент куранти шаҳар меъморий ансамблининг Марказий хиёбонидаги таркибий қисмидир. Тошкент куранти қурилишида миллий меъморлик ва амалий безак санъати анъаналари қўлланилган. Миноранинг қуйи қисмига ўзбекистонлик қаҳрамонлар номи битилган мармар лавҳа ўрнатилган. Тошкент куранти ҳар чорак, ярим ва бир соатда занг уриб туради. 1991 йилда таъмирланган.

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ – Тошкент шаҳар йўловчилар транспорти корхоналари уюшмаси таркибида Тошкент метрополитени қурилиши 1973 йилда бошланган, биринчи линияси 9 станциядан иборат, узунлиги 12,2 км. биринчи навбати 1977 йил 6 ноябрда, иккинчи навбати 1980 йил 18 августда фойдаланишга топширилди ва бекатлар сони 12 тага етди. Ҳозирда Тошкент метрополитенининг 3 та линияси аҳолига хизмат қилмоқда.

Тошкент метрополитенида қатнайдиған поездларнинг ўртача тезлиги 39 км/соат, максимал тезлиги 65 км/соат. Метрода суткасига ўртача 270-300 минг йўловчи ташилади. Йўловчиларга қулайлик яратиш учун баъзи бекатларда эскалаторлар ўрнатилган.

Тошкент метрополитени 9 балл зилзилага бардош беради. Метрополитеннинг умумий узунлиги 38,25 км, бекатлар сони 29 та (2004).

Бекатларга безак беришда, асосан Ўзбекистонда чиқарилган қора, қизил, кулранг гранитлар, турли хил мармар, керамика, стомалит, ёғоч, ойна, турли хил металл ва бошқалардан фойдаланилган.

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИ – от спорти бўйича республика ва халқаро миқёсдаги мусобақалар, турли маросимлар ўтказиладиган, улоқ чопиладиган, отлар билан машқлар олиб бориладиган спорт иншооти. Тошкентда расмий от спорти мусобақалари дастлаб XX аср бошларида ўтказилган. Шаҳарда 1976 йилгача отчопар (ипподром) Қўйлик мавзеси яқинида бўлган. 1976 йил республикада энг йирик отчопар – Тошкент отчопари қурилди. Майдони 70 гектар.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕВИЗИОН МИНОРАСИ – Тошкентдаги радиотелевизион узатиш станцияси, меъморий иншоот. Тошкент телеминораси айти пайтда Марказий Осиёдаги энг баланд иншоот саналади. Унинг баландлиги 3785 метр бўлиб, дунёдаги энг баланд телеминоралар сафида 9 ўринда қайд этилган. Ўзаги 3 конуссимон қурилма тиргакка ўрнатилган. Ўз ўқида эркин турувчи иншоот 9 балли зилзилага бардош беради. Тошкент телеминорасининг қурилиши 1978 йилда бошланган бўлиб, 1985 йил 15 январда фойдаланишга топширилган.

Тошкент телеминорасида “Коинот” ресторанининг “қизил” ва “зангори” заллари ва томоша майдончалари бор. 200 м. баландликда эса радио-телевизион станцияси қурилган. Телеминоранинг энг юқори қисмида 5 дастурли кўрсатувларга мўлжалланган антенна ўрнатилган.

ТОШКЕНТ ЦИРКИ – ўзбек ва бошқа давлатлар цирк артистларининг чиқишларини намойиш этувчи йирик стационар цирклардан бири. 1975 йил Хадра майдонида 2597 ўринли янги Тошкент цирки биноси қуриб, ишга туширилди (арх. Г.Александрович, Г.Масягин; муҳандислар С.Бекович, Р.Муфтахов). Цирк биноси икки қисмдан иборат: томоша зали ҳамда унинг атрофида жойлашган вестибюль, фойе, гардероб, буфетлар ва хизмат хоналари. Бино ечимида анъанавий устун-тўсинли устун ўрнига ҳошия – халқали қурилма услубининг қўлланилиши фойени устунлардан холи қилишга ва томошабинлар учун қулай шароит яратилишига имкон беради. Шу билан бирга фойе икки хил баландликда қурилган; юқоридагиси 7 метрли халқа консаль ёрдамида тўла айлана ҳосил қилиб, катта буфет билан бирлаштирилган. У серҳашам зинаполяр орқали пастки сатҳи билан туташтирилган.

1991 йилда Тошкент циркининг машҳур намояндаси дарбозлар сулоласининг асосчиси, Ўзбекистон ва Россия халқ артисти Тошкенбой Эгамбердиев номи берилди. 1999 йилда Тошкент цирки биноси қайта таъмирланиб, замонавий техник ускуналар билан жиҳозланди.

“Бир диёрки!” мавзусида кеча сценарийси

(Тадбир учун танланган залда Тошкентга бағишланган адабиётлар кўргазмаси ташкил этилади. Унга мавзуга мос адабиётлар, газета ва журнал мақолалари қўйилади).

Бошловчилар сахнага чиқиб келадилар.

1-бошловчи: Ассалому алайкум даврамизга ташриф буюрган азиз меҳмонлар!

2-бошловчи: Ассалому алайкум даврамиз иштирокчилари, кечамизга хуш келибсиз.

1-бошловчи: Биз бугунги кечамизни, “Бир диёрки!” деб номладик.

Тошканд мулкин букун таъриф этай,
Нукталар шодасин назмга битай.
Бир диёрки, анда сунбули раъно,
Халқин жаҳон айтар мардуми доно.
Андоқ бир шаҳарки жаннатмақондир,
Ҳижолатдин жаннат сийнаси қондир.

(Восифий)

2-бошловчи: Биласиз-ми азизлар! Бир мухбир танишим Тошкенти азим ҳақида тўлқинланиб шундай деган эди: “Ҳар гал мухбирлик вазифамни адо этиб, узоқ-яқиндан қайтарканман, самолёт Тошкент осмонига кириб келганда ёки поезд Тошкент вокзалига яқинлашганда ҳаяжоним кўксимга сиғмай кетади. “Тошкентга келдик! Салом, Тошкент!” дейман баралла севиниб. Назаримда ҳамма йўловчиларнинг ҳам юз-кўзлари порлаб, худди мендек қувонч ва ифтихорга тўлгандек. Назаримда бизни Тошкентга олиб келган пўлат қуш ҳам бу ерда қанотларини кенг ёзиб, яйраб учаётгандек ёки тепловоз ғилдираклари ҳар вақтдагидан тантаналироқ “тақа-туқ”, “тақа-туқ”лаб ёқимли қўшиқ бошлагандек... Агар тунда қайтсам – Тошкент чироқлари ҳамма шаҳардаги чироқлардан ёрқинроқ чарақлаб туради. Агар кундузи қайтсам - Тошкент қуёши ҳамма ердагидан кўпроқ нур сочиб, ипак нурлари борлиғимни эркалатиб, яйратиб юборади”.

Меҳринг офтобига: Тошкент, мен таслим
Айлантириб қўйди сеҳр бошимни.
Икки минг йил яшаб, сенинг гулфаслинг,
Висол чоғи айтай мен қай ёшимни?
Гўдак, ўсмир, етук...
Васлинг этиб маст,
Ёшимни унутсам шаҳрим ажабмас...
Бир лаҳза ичида бор фасли зоҳир,
Севгисан, Тошкентим, севгисан ахир!

2-бошловчи: Келинлар, эндиги навбатни ўқув юртимиз талабасига берайликда, Тошкентни тараннум айлаган дилбар қўшиқни тинглайлик. Марҳамат.

(талаба қўшиқ ижро этади)

1-бошловчи: Раҳмат.

2-бошловчи: Тошкентимиз гўзал. Келинлардек гўзал, лекин у боболардек нуроний, боболардек улуғвор ва кўпни кўрган табаррук шаҳар. Тошкент ўз тарихида босқинчини ҳам, дўстни ҳар кўрди. Тошкент не-не улуғ мамлакатларга карвон йўли бўлди.

1-бошловчи: Тошкентни бир кўрган киши яна кўргиси келади. Чунки Тошкентнинг оҳанграбоси бор! Ҳа, ҳа, оҳанграбоси. Бу демак, Тошкентнинг ўзига хос қалби бор, деганим. Мана, ўзингиз ўйлаб кўринг-а. Агар оналар бошига ташвиш тушса сабр-тоқат билан бардош беради. Қадди букилса ҳам иродаси букилмайди. Тошкент ҳам шундай. Тарихдан сўзлаб ўтирмай, 1966 йилги зилзила ҳақида эшитгансиз-а?

2-бошловчи: Ҳа, албатта!

1-бошловчи: Ўшанда Тошкент қанча талофат кўрди, қанча одам уй-жойсиз қолди. Лекин Тошкент шоша-пиша бошпаналар қуриб қўя қолмади. Узоқни кўзлаб, оналарга хос донолик, саришталик билан иш тутди. Ва бугунги Тошкент бунинг ёрқин мисоли бўлиб порлаяпти. Муҳташам қошоналар, кенг хиёбонлар, сўлим боғлар, худди эртақлардаги очил дастурхондек барча ноз-неъматлар муҳайё бўлган Тошкент бозорлари, Тошкент кўчалари, Тошкент кўчалари!

2-бошловчи: Навбатни кечамиз иштирокчиларига берсакда,
Рамз Бобожон қаламига мансуб “Тошкент кўчалари” шеърини
тингласак. Марҳамат.

1-ўқувчи:

Тошкент кўчалари, таниш кўчалар,
Қишми ёз, барибир кузми ё баҳор,
Сиз, менга ҳамиша қадрдон дилдор
Муҳаббат макони ойдин кечалар!
Чинор соялари куннинг тиғида,
Оймўма шуъласи тун мийиғида
Ҳаприққан дилларга бағишлар бардош...
Сиз, менга севимли, самимий, сирдош,
Тошкент кўчалари, нурли кечалар!
Арик бўйларида олхўри, гилос,
Оқ, қизил атиргул қуфл урар қийғос,
Ёшлигим, шўхлигим ўтган кўчалар...

2-ўқувчи:

Кўзим илинмайди уйқу тўрига,
Гўё варақланар севги сирлари,
Тонготар ўқилар дил шеърлари,
Ҳаво пуркалгандай илҳом қўрига...
Тинимсиз кечалар уйғоқ кечалар,
Эртанги зафарнинг тамал тошини –
Юлдузлардан йўниб, қутлуғ ёшини
Санаб етолмаган қадим кўчалар.
Мен сизга ошиқман, тунлари бедор,
Кундузлари меҳнат шавқи билан банд,
Шодлиги бекиёс, толеи баланд,
Тошкент кўчалари қадрдон, дилдор!

1-бошловчи: Кечамизга зукко тарихчи, нозиктаъб, айниқса
муаммони санъат даражасига кўтарган, шеър илмининг баланд-
пастини мукамал билган, бундан беш юз йил илгари яшаб
ижод этган етук адиб ва шоир Алишер Навоий замондоши
бўлган Зайниддин ибн Абдужалил Восифий ташриф буюрдилар.
Келинг, қулоқ солайликчи, нималарни ҳикоя этадилар.

(Саҳнага салла, адрас тўн кийган мўйсафид кириб келади).

“Бир шаҳар кўрдимки.. атрофида Кайковус биноларидан
чорбоғлар бўлиб, ундан эрам боғининг дилида доғи бордир...

Сув тўла ҳовузли сафо чашмасидан нусхадир... Ариқ бўйида
нилуфар гуллардан қўйилган навраста сабзалар гул юзли
дилбарлар нозик лабидаги хатдек кўринарди. Сарв, аръар
дарахтлари ул руҳпарвар дилрабо қоматлари каби назарга
ташланарди. Кимки бу жаннатнишон боғ дарвозасига қадам
қўйса, ғайб олами фариштасидан муборак “Бу жаннат боғларига
хуш келибсиз!” сўзларини эшитарди...

Дуди оловидан гар кўтарса бош,
Дейсиз лолазорда сарви қаламқош.
Теграсин қуршаган гўзал чорбоғлар,
Алардин Эрамнинг кўксига доғлар.
Боғларни васфига агар киришсам,
Ёддан кўтарилур беҳишту Эрам.

Адиб шиғил мевасини кўтаролмай қомати кекса чолдек
букилган серҳосил дарахтларни, дилбарлар ёноғини эсга
солувчи қирмизи олмалар, серсув латиф шафтолилар, чиний
ноклару жаннат меваларидан ҳам беҳроқ беҳиларни зав-шавқ
билан таъриф айлаб:

Ё тавба, беҳисин обрў рангидан,
Боғ кўрки ортади янги-янгидан.
Шираси беҳиштнинг сувими десам,
Жаннатнинг лаззати унда мужассам.
Таърифда ягона Тошканд анжири,
Бунда жамулжамдир сирларнинг сири.
Булардан ҳамиша жонга ҳаловат,
Шираси асални қилур маломат.

У шундай бир шаҳарки, ўзга юртлардаги подшоҳликдан
бундаги гадолик улуғроқ. Негаки, унинг тупроғи тупроқ эмас,
тўтиё, суви эса оби ҳаётдир. Йўқ-йўқ, оби ҳаёт эмас, ундан ҳам
мўътабарроқ. Оби ҳаёт унинг қиёсида ҳижолатдан зулматга
чекилади. Унинг ҳавоси ўликка жон бағишловчи Исо нафасидек.
Йўқ, аксинча. Ўша Исонинг ўзи Тошкент ҳавосини орзу
қилади...

Бу кентни ким кўрса асло жилмагай,
Жаннат неъматларин орзу қилмагай,
Бўлак юртларда гар бўлгунг бахтиёр,
Бунда гадолик беҳ, этгил ихтиёр.
Муборак тупроғи мисли тўтиё,

Суйи раҳмат суйидин хўброк гўё,
Тупроғин гардлари етса фалакка,
Бўлгудек тўтиё чашми малакка.

2-бошловчи: Ташаккур. Бугунги кечамизни “Бир диёрки” деб номлаганимиз бежиз эмас. Чунки Ватанимизда Қарши, Самарқанд, Марғилон шаҳарларининг тўйлари кенг нишонланди. 2009 эса азим Тошкентимиз ҳам ўзининг 2200 йиллик тўй-тантанасини нишонлаш арафасида.

1-бошловчи: Кечамизни қуйидаги сатрлар билан яқунласак:

- Нимаси қўп Тошкентнинг?

- Суви, сойи, сояси...

Тошкентга ихлосманднинг

Тугамас ҳикояси.

2-бошловчи: Раҳмат, саломат бўлинглар!

Хайридин Султонов

ПАНОҲ
(Ҳикоя)

Ҳижрий тўққиз юз еттинчи йилнинг қаҳратон қишида теурийзода ҳукмдор Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг ишлари тараққийдан таназулга юз тутган эди. Кеч кузакнинг рутубатли, совуқ изғиринлари эса бошлаганда у уч ойдан ортиқ давом этган қамал сўнгида – очлик, мискинлик, хор-зорлик ниҳоясида, ер юзининг сайқали бўлмиш шаҳри азим Самарқандни ғаддор душмани Шайбонийхонга ташлаб чиқди. Салтанат ва ҳарбу зарб борасида ҳали аччиқ тажрибалар орттириб улгурмаган ёш ҳукмдор омон қолгап етмиш-саксон чоғли навқари билан нажот излаб ота юрти Андижонга отланди. Аммо Самарқанд сарҳадларидан чиқиб улгурмаслариданоқ Андижондан нохуш хабар етди: Заҳириддин Муҳаммаднинг иниси Жаҳонгир Мирзо тожу тахтни эгаллаб, оғасини қилич яланғочлаб кутмоқда эмиш...

Киндик қони томган бу вилоят энди илгидан кетганини пайқаган Бобур Мирзо Андижон кўхпояларидан бошпана топмоқ умидида шу томон юрди. Бироқ бу ерларда қашқирдек

изғиб юрғап Султон Аҳмад Танбалнинг таъқиб-тахликаси туфайли яна ортга – Масчоҳ ва Ўратепага, ундан эса тоғ ошиб Даҳкат кентига қараб чекинмоққа мажбур бўлди.

Бобурнинг болалик осмонида бир вақтлар жуда эрта балқиган шамси саодат энди ундан буткул юз ўгиргандек эди...

– Чопар маҳтал бўлиб қолди, амирзодам!

Бобур Мирзо Қосимбекнинг ўктам овозидаги сезилар-сезилмас тоқатсизлик оҳангини пайқаб, хиргоҳ керагасидан кўзини олди. Падари бузрукворининг хизматида ҳам кўп саодатлар кўрсатган бир қари, соҳибтажриба бекнинг тулки тумоқ остидаги дўнг қаншари асабий тиришиб турарди.

– Чопар маҳтал бўлса... ижозат беринг-да, кўйинг! – деди Бобур тўсатдан кескин товуш билан. – Арслоннинг мўйлабига қўл чўзмоқдан не мурод, ахир?!

Қосимбекнинг сийрак, сарғиш киприклари пирпиради:

– Англамадим, амирзодам?

– Нечун англамайсиз? Ер остида илон қимирласа биладиган сиздек зукко, тезфаҳм кишининг англамаслиги... таажжуб!

– Амирзодам афв этсинлар, бироқ қулингиз ҳеч вақт тезфаҳмлиқ даъвосини қилган эмас! – деди Қосимбек юпка лаблари гезариб.

– Чақки қилурсиз! Аркони давлатга, сиёсат дағдағасига мансуб ҳар кимса беистисно тезфаҳм бўлмоғи лозим, – деди Бобур хиёл юмшаб. – Зеро, ҳар ишнинг заминида юз минг мулоҳаза вожиб. Бир бемулоҳаза ҳукм туфайли не балоларга дучор бўлдик, энди кўзни очмоқ даркор.

Қосимбек андак тараддудланиб, сўради:

– Қайси бемулоҳаза ҳукм, амирзодам?

– Сўроғингиз ажиб бир воқеани хотирамга келтурди, Қосимбек, – дея кулимсиради Бобур. – Бир куни Мир Алишербек билап Султон Ҳусайн Мирзо ўртасида бир суҳбат ўтдиким, Мирзонинг тезфаҳмлигига ва Алишербекнинг мутаассирлигига далилдир. Алишербек сирли сўзларни Мирзонинг қулоғига пичирлаб айтди. Сўнг дедиким: «Сиз бу сўзларни унутинг». Мирзо шу ондаёқ дедиким: «Қайси сўзларни?» Алишербек бисёр мутаассир бўлиб кўп йиғлади...

Кўрдингизми, Қосимбек, Мирзонинг сўроғи тезфаҳмлиғиға далил бўлса, сизнинг тажаҳхули орифона¹ қабилидаги сўзларингиз бунинг аксидан далолат берадир.

Қосимбек оғир сўлиш олиб, совут-садоғини тузатиб кўйди.

– Маъзур тутинг, амирзодам, бироқ қулингиздан бу аччиқ кинояларга лойиқ не гуноҳ ўтди, билмасман.

– Бу аччиқ киноялар эмас, Қосимбек, – деди Бобур ўйчан, – бу аччиқ ҳақиқатлар, холос. Сизга киноя қилмоқ хаёли хотиримға ҳам келган эмас. Ахир, сизга теккан калтакнинг бир учи албатта бизга ҳам тегур. Фақат, Султон Аҳмад Танбалдек маккор тулкининг ширин сўзларига инониб ўтирганингиз бизни беҳад таажжубга солаётир.

– Амирзодам, фаҳми ожизимча, Султон Аҳмад Танбалнинг сулху салоҳ истаги чин кўринадир. Ҳозир унинг ҳам аҳволи бисёр танг. Лоақал муваққат тинчлик унга ҳам, бизга ҳам бениҳоя зарур. Мана, узр сўраб учинчи бор элчи юборибдир...

– Лафзсиз кимсаларнинг узрига не эътибор! – деди Бобур ва форсчалаб кўшиб кўйди: – Узраш баттар аз гуноҳ!² Йўк, Қосимбек, кўнглим сезаётир, Жаҳонгир Мирзога ҳам, Танбалга ҳам инониб бўлмас. Бу саргардонлиқтин кўра Тошкандға, хон додам қошиға борғаним маъқул. Хон додам ҳам, тағойиларим ҳам иш кўрган, пуртажриба кишилар. Шояд Тошканддан бир нажот етсаю бу саргардонлиқлар туш каби унут бўлиб кетса!

– Ҳар не сўзингиз – вожиб, амирзодам, – деди Қосимбек шошиб. – Аммо Тошканд бормоқдан, наздимда, бир маъно чиқмас. Шу чоққача ҳеч кимса мўғулдан мурувват ва яхшилиқ кўрган эмас. Инонинг, қулингизнинг хон додангизга ҳам, тағойиларингизга ҳам асло ғарази йўқтур. Бироқ мамлакатдорлиқ бошқа, қавму қариндошлиқ бошқа. Шунча йиллар мобайнида бормаган хон додангиз қошиға бу янглиғ ғариб аҳволда эмас, шаъну шукуҳ билан борсангиз ярашур. Сўнг эътимодли

¹ Тажаҳхули орифона-кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олиш.

² Узри гуноҳдан баттар

бекларнинг барчаси Андижон сари юрмоқ тарафдоридирлар.
Дўст Носирбек ҳам, Қанбар Алибек ҳам... Сўзларимга шубҳа
қилсалар, аларни чорлаб, кенгашиб кўрсинлар.

* * *

– Мухтасар сўз шул, беклар. Энди фикрингизни очиқ айтингиз:
қаён бормоқ маъкул – Тошкандми, Андижон? Сўйланг, Дўст
Носирбек!

– Андижон, амирзодам! Кўклам чикқунга қадар кўхпояларда
тахаммул қилиб турмоқ лозим!

– Сиз не дейсиз, Қанбар Алибек?

– Андижонга қайтмоқ керак, амирзодам. Саргардонлик жонга
тегди.

– Хисрав кўкалтош?

– Ўзга юртда шоҳ бўлгунча ўз юртимизда гадо бўлайлик,
амирзодам!

– Хўп! Танбалнинг сўзига инонурмисизлар?

– Инонурмиз!

– Элчи худонинг номини ўртага қўйиб қасам ичди-ку,
амирзодам!

–Хўп! Йўл тадоригини кўрингизлар: бахташ таваккал!.. Хўш,
Қосимбек, тагин не дейсиз?

–Амирзодам, хаёлимга бир ғариб фикр келиб эди: элчиларни
иззат-икром билан кузатурмиз, албатта. Бироқ ҳамиятга ҳамият
билан жавоб қайтарсак, хўб оқилона иш бўлур эди, деб
ўйлайман. Яъниким, алар бизга сулҳ, таклиф қилибдирлар, сиз
ҳам нишонаи тасдиқ этиб бирор нимарса юборсангиз чакки
бўлмас эди.

–Масалан?

–Жаҳонгир Мирзо – кичик, сиз – улуғсиз, кичиклардин айб
ўтганда катталардин афв лозим. Кийган либосингиздан бирини
юборсангиз, оғалик-инилиқ қайта қарор топқанига бир ишора
бўлур эди.

– Ҳа-а... Нима юборсак манзур бўлур экан?

– Кийганингиз бўлса кифоя, амирзодам.

– Ўзингиз соҳибтажриба кишисиз, Қосимбек. Мана шу хос бўркимни юборсам не дейсиз?

– Маъқул, амирзодам.

– Шояд шу билан...

– Иншооллоҳ, амирзодам. Энди Султон Аҳмад Танбалға ҳам бирор нимарса...

– Нима-нима?! Йўқ, Қосимбек, у ҳаромнамакка отимизнинг тезагини ҳам ҳайф билурмен!

– Амирзодам, сиёсатдорлик ҳамиша ҳам зўру зарб билан эмас, баъзан муросаи мадора билан ҳам амалга оширилажак. Шу бир арзимас илтифот билан барчамизнинг эминлигимизни таъмин этурсиз.

– Эҳ, Қосимбек!.. Майли, садқаи суҳанингиз... Нима юбормокни маслаҳат кўрурсиз?

– Яроғларингиздан бирини юборсангиз, амирзодам. Икки ўртада адоват тугаб битганига, ҳамжиҳатлик ва иттифоқ барпо этмоққа умидвор эканингизга тасдиқ бўлур эди.

– Хўп! Мана шу ўгук ясси қиличимни кўринг-чи. Бултур Самарқандда ўзим учун ясаттириб эдим.

– Ўбдан кескир, нафис яроғ, амирзодам. Самимий тилакнинг бундан ортиқ исботи бўлмас. Дарвоқе, туғига алланечук калима ҳам нақш этилибдирми? Ҳа-а, «Заҳириддин Муҳаммад баҳодир!..»

– Самарқанддаги зафар хотирасиға усталарға буюрилиб эдиким, қилич тиғига бир тарих битгайлар.

– Амирзодам, мурувват ва ҳамиятингиз бундан ҳам ривож топсин, омин!..

Кун бўйи гупиллатиб ёққан лайлак қор кечга бориб тинди. Хуфтондан сўнг ҳаво очилиб кетди, осмонда баланд, ёруғ юлдузлар порлади. Изғирин баттар кучайиб, юз-кўзни ўйиб-чимчилаб ола бошлади.

Работи Рўзақ кентидан икки йиғоч берида тўхтаб, хуфтон намозини ўқидилар. Бобур Мирзо намоздан кейин тагин йўлга отланмоққа буйруқ бермоқчи эди, навкарларининг ҳорғин қиёфасини, йўл уриб ташлаган отларнинг абгор аҳволини кўриб, фикридан қайтди.

Муттасил саргардонлик, совуқ ва очлик бир ҳафтадан буён аскарларнинг тинка-мадорини қуритган эди, қуриб-қовжираб ётган пўпанак тол тагида ёқилган гулхан тафти бир зумда барчани элитиб, уйку оғушига чорлади. Ҳамма жим, чарчок тилу забонларга ҳам гўё кулф солган, ҳеч кимсанинг гап-сўзга тоқати йўқ эди. Пакана, мўғул башара ўнбоши Соҳибқадам киши бошига бир кафтдан майиз билан яримтадан суви қочган кулча улашиб чиқди. Уч кун бурун тўқайда тасодифан отиб олинган жайрон гўшти кеча тугаган, шу сабаб бу оқшом қозон сувга ташланган эди. Аҳволнинг танглиги, истикболнинг номаълумлиги юракларида ғашлик ва қўрқув уйғотган навкарлар истар-истамас кавшаниб ўтиришарди.

Соҳибқадам беклар қурган даврага яқинлашиб, кўк чорсида қолган майиз ва кулчанинг ҳаммасини улар олдига қўйди-да, гулхан ёнида биқир-биқир қайнаб ётган қумғонни олиб келди. Бобур боядан бери уни жимгина кузатиб ўтирар эди.

– Тўхтаг! – деди у бармоғини тепага нуқиб. Сўнг чорсидан бир сиқим майиз билан яримта кулча олди-да, Соҳибқадамга юзланди. – Бизни ҳам бир навкар деб билинг, ўнбоши! Барчага баробар тақсим қилинг!

* * *

Тонг қоронғисида ҳамма Қанбар Алибекнинг жонҳолатдаги қичқириғидан уйғониб кетди:

– Ёғий етти, қўпунг!

Бобур Мирзо жанги жадалларда ҳам, сайру саёҳатларда ҳам ҳамиша совут-садоғини ечмай, қиличини белидан қўймай ухлар эди, сапчиб ўрнидан турди-ю:

– Қоровул қани?! Қосимбек, қайдасиз?! Жангдовул қайда?! – дея хиргоҳдан отилиб чиқди.

Ташқарида... қирғин-қиёмат бошланган, отларнинг кишнашию қиличлар жаранги, ярадорлар ноласи еру кўкни тутиб кетган эди.

– Амирзодам, отга мининг! Амирзодам! – Аллақаждан етиб келган Соҳибқадам Бобурни четроққа тортди.

Бобур эгарга минган заҳоти юз қадамча наридаги у тўртта душман суворийси гўё уни кутиб тургандай, бало-қазодек ёпирилиб келди. Олдинда, зулукдек ингичка корабайирда Султон Аҳмад Танбал даҳшат солиб келарди!

– Ортга бурунг, амирзодам! Ортга! – деб қичқирди Соҳибқадам оти билан Бобурнинг бедовини зўр бериб четга сураркан.

Бобур от жilовини бир силтаб тортди. Бедов аччиқ кишнаб кўкка сапчиди, душман қиличи Бобурнинг нақ қулоғи остидан шувиллаб ўтиб кетди. У отга қамчи босиб, рўпарасидаги қийғоч кўзли, гирдиғумдан келган навқарга камондан ўқ узди, аммо ғанимнинг юзтубан қулаганини кўрмади – боши узра кўтарилган қилични пайқаб, шартга сўл томонга бурилди. Шу асно кўзлари Султон Аҳмад Танбалнинг ёвуз ўт ёнаётган қисик кўзлари билан тўқнашди, сўнг эса нақ пешонаси олдида қиличнинг совуқ тиғи ярқиради. Таниш қилични кўрган замони Бобур аламдан қичқириб юборди.

– Аҳ, ит эмган Танбал! Кўппак Танбал, ҳаромнамак экансан! – деб қичқирди у ва шу ондаёқ дубулғаси бошидан учиб кетди...

Қуршовдан омон чиққанлар қочгандан қочиб, қош қорайганда чор-девор бир кўрғонга етдилар. Кўпдан буён инсон қадами тегмаган бу вайрона кўрғонда бойқушлар совуқ хухулар, атрофни қоронғи зулмат босиб келар эди.

– Шунда тунармиз! – деди Бобур бўғиқ товуш билан.

Отдан тушдилар. Соҳибқадам шу заҳоти Бобур Мирзонинг жароҳатини синчиклаб кўздан кечирди, хуржунидан қандайдир қўланса малҳам олиб сурди-да, шоҳи қийиқ билан аста танғиб кўйди.

– Худойим бир асрабди, амирзодам. Анчайин манглайингизни ялаб ўтибди. Кўзнинг эгаси бор, деганлари рост экан, бир баҳя қолибди! – деди у бош чайқаб.

– Ўз қиличимни ўз бағримга санчдилар! – деди Бобур ух тортиб. – Шундоқ хиёнатдан сўнг инсон зотиға инониб бўлурми?!

Қирғин-барот жангларда кўрқув нималигини билмаган Қосимбекнинг ранги қув ўчган, сийрак мўйлаблари титраб, кўзини ердан узолмас эди.

– Умрим бино бўлиб бундоқ номардликни кўрмаган эдим, амирзодам, – деди у базўр.

– Бу қилич менинг бошимни эмас, бошимдаги хом хаёлларни чопиб ташлади, – деди Бобур оҳиста. – Бу қилич сизнинг Танбалдек қари тулки билан боғлаган ҳамжиҳатлик ришталарингизни ҳам буткул узиб ташлади, Қосимбек!

Қосимбекнинг ялпоқ юзлари бўзариб, залварли кафтини кўксига қўйди:

– Иқроман, амирзодам, сизни бу мусибатли йўлларга гумроҳ қулингиз бошлаб эди. Муртад Танбал бизни тузоққа илинтирмоқ қасдида экан, ғофил қолдим.

– Майли, Қосимбек, энди афсус-надоматдан ҳеч наф йўқтур, – деди Бобур дубулғасини бошига кияркан. – Тангрининг иродаси. Фақат ўшанда сўзимизга кўнганингизда эди, бу маънисиз чопкин ҳам бўлмас, шундоқ ёвқур навкарларимиз ҳам беҳуда жувонмарг бўлмас эди... Бу кўргилик ҳам бизга аччиқ бир сабоқ бўлғусидир. Шояд, басир кўзларимиз очилса!.. Хўш, беклар, энди не дейсизлар, қайдин нажот топурмиз? Фикримча, Тошканддин ўзга жойда бизга паноҳ қолмади!

Алланечук саросима ичра бўшашиб турган беклар хомуш бош ирғаб қўйдилар.

* * *

Икки ҳафтадан сўнг, чаҳоршанба куни, намозшом чоғи Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо юпунгина кийиниб, бечораҳол қуролланган ўттизга яқин навқари билан Тошкентнинг шарқий дарвозаси олдига келиб тўхтади. Дарвозалар ёпилгунга қадар шаҳарга етиб олмоқ ниятида елдириб келинган отлар оппоқ кўпириб кетган, бетоқат пишқириб турар эди.

– Тўхтанг! Кимсиз?! – деб ҳайқирди минора тепасидаги соқчибоши.

– Андижондин Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ҳазратлари хон додаларининг муборак даргоҳларига ташриф буюрдилар! – деб қичқирди Қосимбек узангига оёқ тираб.

– Уронни³ айтинг! – деб буюрди соқчибоши пинак бузмай.

Қосимбек саросималаниб, ён-вериға аланглади. Навкарлар ҳам тараддудланиб, бир-бирларига қараб олишди. Бундан хавотирға тушган соқчибоши ўқ-ёйини тўғрилаб:

Уронни айтинг! деб баттар дағдаға қилди. Урон!

Шу ондаёқ кўҳна девор ортида шовқин-сурон бошланиб, тор шинаклардан юзлаб ўқ-ёй отларға қараб ўқталди. Бобур Мирзо тагидаги араби бедовни ўйнатиб, уч-тўрт қадам олға чиқди-да, кўзларини хиёл қисиб соқчи-бошиға тикилди.

– Сайрам! – деди у қатъий, кескин оҳангда. – Сайрам!

Соқчибоши бирдан бўшашиб, ўқ-ёйини ерга қўяркан, пастга қараб пўнғиллади:

– Дарвозани очинг!

...Дарвоза ёнида жимгина кутиб турарканлар Қосимбек хиёл энгашиб, Бобурға шивирлади:

– Тасанно, амирзодам! Хон додангиз ишни ўбдон пухта қилган эканлар. Аммо сиз кўпдин буён бунда бўлмагон эрсангиз, ўронни қайдин билурсиз!

– Нечун билмайин? – деб жилмайди Бобур. – Тошканд – онам Қутлуғ Нигорхонимнинг ота юрти-ку! Тошканд – менинг она шаҳрим-ку, Қосимбек!.. Қани, марҳамат!

Шу асно ҳориб-толган, қош-кўзини тўрт энли чанг босган қувғинди суворийлар қаршисида Тошкентнинг кўҳна мис дарвозаси залвар билан аста очилди...

³ Урон—пароль.

“Қалбимсан, она Тошкентим!” номли китоб-расмни кўргазмани ташкил этиш учун материаллар

Кўргазма 3 ёки 4 бўлимдан иборат бўлиши мумкин.

1. Тошкент – тарих саҳифаларида

Шаҳарларнинг одамларнигина ўхшаш ва ўз ҳаёт йўли, тақдири бўлса-да, уларнинг ҳаёт ва умр ўлчовлари бекиёсдир. Устоз Шайхзода айтганидек, “Шаҳарлар боқийдир, умр ўткинчи”.

Бу бўлимга Тошкент, унинг пайдо бўлиши, шаҳар сифатида ривожланиши, бошидан кечирган турли босқинлар, Тошкент тарихини ўзида акс эттирган адабиётлар қўйилади.

2. Тошкент шаънига

Тошкент кеча, бугун, эртага шоирлар юрагига ўт солган илҳом париси. Бу бўлимда Тошкентни тараннум этувчи, Тошкентни мадҳ этувчи шеърлар, асарлар жой олади.

3. Тошкентим мафтунингман

1. Бу бўлимга мусаввирларнинг Тошкентга атаб чизган расмлари, пейзажлари, этюдлар қўйилиши мумкин.

Адабиётлар

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори //Халқ сўзи.-2008.-4 апр.

Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Ж.8.- Т.: Ўзбекистон, 2000.-110 б.

Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Ж.10.-Т.: Ўзбекистон, 2000.- 362 б.

Бобожон Рамз. Тошкент кўчалари, ойдин кечалар...: Шеърлар //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1996.-13 сент.

Бўриева Х. Тошкент шаҳри тарихий топонимикасига оид тадқиқотлар //Ўзбекистон тарихи.-2002.-№ 3.-Б.54-59.

Зиёев Ҳ. Тарихи йиллар ичра пинҳон: Юнусхўжанинг тахтга ўтириб, Тошкентни бошқарган тарихи //Тошкент оқшоми.-1994.-15 июль.

Зиёев Ҳ. Тошкентнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши (шаҳримиз тарихига бир нигоҳ) //Тошкент оқшоми.-2000.-2 февр.

Зокиров М. Етмиш беш миллион йил муқаддам: Тошкент замини сирлари //Тошкент оқшоми.-1993.-1 март.

Иброҳимов А. Афсона ва ҳақиқат: Тошкент ўтмишидан тарихий лавҳалар //Тошкент оқшоми.-2002.-14 авг.

Иброҳимов А. Ўтмишни унутганинг келажаги бўлмайти: Тошкентнинг ўтмиши ҳақида //Ёшлик.-1989.-№10.-Б.60-64.

Иброҳимов Т. Тошкент руҳи; Ватан: Шеърлар //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1986.-18 июль.

Икромов А. Ватаннинг муқаддас остонаси: Тошкентим - боғу бўстоним // Тошкент оқшоми.-2003.- 4 июнь

Карим Ғулом. Амир Темур даврида Тошкент: Тошкент ҳақида //Соҳибқирон юлдузи.-1997.-4 нояб.

Каримова Л. Бобирнинг она шаҳри: Тошкент шоир таърифида //Фан ва турмуш.-1983.-№ 9.-Б.18-19.

Кўхна Шошнинг ўтмиши ва бугуни: Шахримиз тарихини ўрганамиз //Тошкент оқшоми.-2002.-5 апр.

Маъдиев Д. Олам эътирофи //Ишонч.-2007.-18 авг.

Мусаев О. Тошкент – ислом маданиятининг бош кенти //Хуррият.-2007.-24 янв.

Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент: Тарихий ва археологик лавҳалар.-Т.: Шарқ, 2002.-80 б.

Муҳминова Р. Ўрта аср лавҳалари: Тошкент тарихидан //Фан ва турмуш.-1983.-№ 9.-Б. 6-7.

Назаров М. Тошкент «Бобурнома»да //Гулистон.-1983.-№ 8.-Б.10-11.

Орипов Ф. Тошкент ўтмишидан лавҳалар: Этнографик материаллар асосида.-Т.: Фан, 1987.-21 б.

Осим Миркарим. Зулмат ва муҳаббат нури: Тошкент тарихидан икки қисса.-Т.: Ёш гвардия, 1986.-76 б.

Раҳим Иброҳим. Тошкент – қадимдан қахрамон шаҳар //Тошкент оқшоми.-1994.-29 авг.

Саййид Дилмурод. «Тошкент» тош шахрими? //Маҳалла.-2003.-8 янв.

Толибжонов Қ. Тошкент қандай забт этилган? //Фан ва турмуш.-1997.-№ 1.-Б. 4-5.

Тошкент: Адабиётлар кўрсаткичи / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Давлат к-наси; Тузувчилар: С.Я. Шермухамедова, М.С. Муҳаммаджонова, Х.И. Расулова ва бошқ.-Т., 1983.-185 б.

Тошкент: Энциклопедия / Таҳрир ҳайъати: Н. Тўқлиев (бош муҳаррир) ва бошқ.-Т.: Қомуслар бош таҳририяти.-1992.-495 б.

Тошкент – Республика пойтахти //Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида.- Т.: Абу Али ибн Сино ном. тиббиёт нашриёти, 2002.-Б.105-126.

Тошкент таронаси: Шеър, ҳикоя, очерк, мақолалар /Тузувчилар Ш.Убайдуллаев, Н.Муҳамедов, М.Абдуллаев.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.-33 б.

Тошкент шаҳри ва вилояти топонимлари муаммолари: Илмий-амалий конференция докладлари, тезислари /ташкилий

комитет: Ш.Жалилов, Э.Бегматов, С.Зинин ва бошқ.; Масъул муҳаррир: С.Қораев.-Т., 1994.-32 б.

Тошкентнинг ёши нечада? (Тошкент тарихи ҳақида) //Тошкент оқшоми.-2001.-10 янв.

Убайдулло Темур. Юртим юраги – Самандар шаҳрим: Тошкент шаҳрининг тарихи ва ҳозирги куни ҳақида //Тошкент оқшоми.-1996.- 17 июн.

Шарафиддинов О. Тошкентнинг меҳриғиёси: Тошкент шаҳрининг тарихи ҳақида //Тошкент оқшоми.-2002.-5 авг.

Шарқ дарвозаси: Тошкент шаҳри ҳақида маълумотлар //Халқ сўзи.-1999.-31 авг.

Южаков Ю. Тошкентнинг ишғол қилиниши: Тошкент забт қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган китобдан /Р.Қодир тарж. //Гулистон.-1995.-№ 2.-Б. 56-58.

Юнусхўжаева М. ва бошқ. Келажаги буюк давлат пойтахти: Тошкент тарихидан лавҳалар /М.Юнусхўжаева, Ф.Абдурахимова, Г.Никитенко.-Т.:Ўзбекистон, 1997.-64 б.

Қораев С. Тошкент топонимлари /Масъул муҳаррир А.Р. Муҳаммаджонов.-Т.: Фан, 1991.-61 б.

Ҳотамов Ғ. Шарқ кўркига айланган шаҳар: Тошкент шаҳари ҳақида // Ўзбекистон овози.-2003.- 22 май.

Босишга рухсат этилди 2008 йил 10 апрель
Бичими 60x84 ¹/₁₆ нашр. т. 2 Адади 300 нусха.
Буюртма № 29

Тошкент, Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида чоп этилди

